



ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИНИНГ КАФОЛАТЛАНИШИ ВА ЭКОЛОГИК
ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
магистратура тингловчиси
лейтенант Хакназаров Азиз Бахтиёрвич*

Аннотация: *Инсон ҳаёти ва саломатлиги, шунингдек, жамият барқарорлигини таъминлашда экологик хавфсизликнинг аҳамияти беқиёсдир. Атроф-муҳитга зарар етказувчи ҳар қандай ҳуқуқбузарлик нафақат табиат, балки жамоат хавфсизлиги учун ҳам таҳдиддир. Чунки табиий ресурсларнинг ифлосланиши, ҳаво, сув ва озиқ-овқат сифатининг пасайиши турли эпидемиологик ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боис экологик ҳуқуқбузарликларнинг жамоат хавфсизлигига таъсирини илмий жиҳатдан таҳлил қилиши муҳим ҳисобланади.*

Инсоннинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиши, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиши, уларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиши, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши ва уларга қарши курашиши бугунги куннинг гоят муҳим масалаларидан бири саналади.

Табиатдаги глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ вазиятнинг тобора кескин тус олаётгани сабабли экологик масалалар Асосий қонунимиздан ўрин олган.

Калит сўзлар: *экология, ҳуқуқбузарлик экологик ҳуқуқбузарликлар, экологик хавфсизлик.*

Аннотация: *Жизнь и здоровье человека, а также обеспечение стабильности общества напрямую зависят от экологической безопасности. Любое правонарушение, наносящее вред окружающей среде, представляет угрозу не только для природы, но и для общественной безопасности.*



Это связано с тем, что загрязнение природных ресурсов, ухудшение качества воздуха, воды и продуктов питания приводят к возникновению различных эпидемиологических и социальных проблем. В связи с этим важным является научный анализ влияния экологических правонарушений на общественную безопасность.

Обеспечение права человека на благоприятную окружающую среду, поддержание экологической безопасности, рациональное использование природных ресурсов, их правовая охрана, предупреждение экологических правонарушений и борьба с ними являются одними из наиболее актуальных задач современности.

В условиях глобальных климатических изменений и обострения ситуации, связанной с высыханием Аральского моря, экологические вопросы нашли отражение в нашей Конституции.

Ключевые слова: экология, правонарушение, экологические правонарушения, экологическая безопасность..

Annotation: *Human life and health, as well as the stability of society, directly depend on environmental security. Any violation that harms the environment poses a threat not only to nature but also to public safety.*

This is because the pollution of natural resources and the deterioration of the quality of air, water, and food lead to various epidemiological and social problems. Therefore, it is important to scientifically analyze the impact of environmental offenses on public safety.

Ensuring the human right to a favorable environment, maintaining environmental security, the rational use of natural resources, their legal protection, the prevention of environmental offenses, and the fight against them are among the most pressing tasks of our time.

In the context of global climate change and the worsening situation related to the drying up of the Aral Sea, environmental issues have been reflected in our Constitution.



Key words: Ecology, offense, environmental offenses, environmental security.

КИРИШ

Бугунги кунда экологик ҳуқуқбузарликлар нафақат табиатга, балки инсон саломатлигига, ижтимоий барқарорликка ва жамоат хавфсизлигига ҳам жиддий таҳдид солмоқда. Экологик муаммоларнинг ортиб бориши, айниқса, атмосферанинг ифлосланиши, сув ресурсларининг захарланиши, чиқиндиларнинг назоратсиз ташланиши каби ҳолатлар аҳоли турмуш тарзи ва хавфсизлигига бевосита таъсир қилади. Шу боис экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши ҳуқуқий, ташкилий ҳамда жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Экологияни муҳофаза қилиш ҳозирги кунда нафақат мамлакатимиз доирасидаги долзарб муаммо ҳисобланибгина қолмай, балки дунё миқёсидаги ўта муҳим ва ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолардан бўлиб ҳисоблаш керак.

Инсоннинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиши, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бугунги куннинг ғоят муҳим масалаларидан бири саналади.

Табиатдаги глобал иқлим ўзгаришлари, Орол денгизининг куриши билан боғлиқ вазиятнинг тобора кескин тус олаётгани сабабли экологик масалалар Асосий қонунимиздан ўрин олган.

Жумладан, 2023-йил 30-апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида, 49, 62, 66, 68, 115-моддаларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган бўлиб, 49-моддасига мувофиқ, ҳар ким қулай атроф-муҳитга,



унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги билан бирга, Конституциянинг 62 ва 68-моддаларда фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбурияти ҳамда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлик, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган¹.

Янгиланган Конституциямизнинг 49-моддасида Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриши мустаҳкамланди. Аҳамиятлиси, шундаки янги таҳрирдаги Конституцияда ушбу норманинг киритилгани минтақа аҳолиси учун муносиб яшаш шароитларини яратиш ва уларнинг турмуш даражасини сифат жиҳатдан яхшилашга хизмат қилишида ўз ифодасини топган.

Шунингдек, мазкур норма мамлакат аҳолиси ва келажак авлод учун қулай ва экологик тоза ҳудудни сақлаб қолиш, Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, аҳоли яшаши ва меҳнат қилиши учун қулай

атроф-муҳитни таъминлашнинг конституциявий кафолатларини яратади.

Янги таҳрирдаги қомусимизнинг 49-моддасига асосан мамлакат аҳолисининг қулай атроф-муҳитда яшашга қонунан ҳақли эканлиги, давлатнинг экологик ҳуқуқларни таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши, барқарор ривожланиш принципига мувофиқ атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши ҳамда Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини

¹ <https://lex.uz/docs/6445145>.



муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриши қатъий белгиланди.

Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон 2030” Стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастурида эркин фуқаролик жамиятини ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, Ўзбекистонни фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича белгиланган мақсадларда, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида яқин мулоқотни йўлга қўйиш, экология соҳасида сақланиб қолаётган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш механизмларини кенгайтириш бўйича аниқ вазифалар белгиланиб, кераклича ютуқларга эришилди².

Сир эмаски, бугун дунё миқёсида экологик мувозанатнинг бузилиши атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, йирик ўрмонзорларнинг йўқолиб бораётганлиги, катта шаҳарларда қурилишлар жараёнида дарахтларни шафқатсизларча кесиш, сув манбаларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш ва ифлослантириш, ер ресурсларидан нооқилона фойдаланиш ҳамда Қизил китобга киритилган ноёб ҳайвонлар, қушларни қонунга зид равишда овлаш ва ўсимликларни йўқолиши, афсуски, аксарият ҳолларда инсон омили таъсирида юз бермоқда.

Бу каби долзарб экологик муаммолар ҳисобга олинса, табиатни муҳофаза қилиш, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар бир фуқаронинг виждоний бурчи эканлигини ҳар бир фуқаромиз буни онгли равишда англаб етмоқда.

Шу билан бирга, Конституцияга киритилган 66-моддада мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши, тасарруф этиши, мол-мулқидан фойдаланишда атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг

² <https://lex.uz/uz/docs/-6600413>.



хуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузмаслиги кераклиги белгиланганлиги фуқароларнинг табиатга нисбатан муносабатини ижобий жиҳатдан ўзгаришига замин яратиши билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, маҳаллий ижро этувчи органларнинг ҳудудлар табиий шароитидан келиб чиқиб, туман ва шаҳарларни экологик жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишига оид норма киритилгани табиий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар ижросида муҳим кафолат бўлди ва ҳар бир инсон касби, ижтимоий мавқеидан қатъий назар атроф-муҳитни асрашга маъсулдир.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда адолат принципларини таъминлаш, кишилар ўртасида ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифода этувчи, тенг ҳуқуқлилик ва бағрикенглик тамойилларига риоя этилишини кафолатловчи бош қомусимиздир.

Дарҳақиқат, янги таҳрирдаги Конституциямизда экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича илгари сурилган ҳуқуқий кафолатлар бу борадаги ислоҳотларни изчил амалга оширишда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Айнан янги таҳрирда қабул қилинган Конституциянинг узвий давоми сифатида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш соҳаларига оид бир қатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларининг қабул қилигани ушбу фикрларнинг ёрқин далилидир.

2025-йилнинг 18-ноябрь ва 24-ноябрь кунлари экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва туризм соҳаларида белгиланган вазифаларни тезкор ҳамда янги ёндашув асосида сифатли ташкил этиш, мазкур йўналишдаги давлат бошқарувини ва назорат тизимини такомиллаштириш, шунингдек, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та фармони ва 1 та қарори қабул қилинди:



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 18-ноябрь куни қабул қилинган “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилингани экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришларини олдини олиш борасида амалга ошириладиган ишларни янгича ёндошувлар асосида ташкил этиш имкониятларини янада кенгайтириши билан аҳамиятли бўлди.

Фармонга кўра, Экология, атроф- муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги негизида Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ташкил этилиб, унга қулай экологик ҳолатни барқарорлиги сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Яшил макон умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш, ўрмонларни кўпайтириш, глобал иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва чўлланишга қарши курашиш соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ваколатли давлат органи қилиб белгиланди.

Қўмига асосий вазифаларидан ташқари, “Чиқиндилардан ҳоли ҳудуд”, “Тоза ҳаво”, “Яшил макон”, “Эко-маданият ва “Биомерос” умуммиллий лойиҳаларини амалга ошириш учун масъул этиб белгиланди.

Ушбу ҳужжатлар билан мамлакатимизда иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, экологик муаммоларга барҳам бериш, аҳоли ўртасида экологик маданиятни юксалтириш каби долзарб масалаларда ислоҳотларни амалга оширилиши қамраб олинди ва белгиланган устувор вазифалар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида белгиланган вазифаларни тезкор ҳамда янги ёндашув асосида сифатли ташкил этиш, шунингдек, ушбу йўналишдаги давлат бошқаруви ва назорат тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Маълумки, табиатни асраб-авайлаш, уни муҳофаза қилиш кишидан ҳар томонлама билимга эга бўлишни талаб этади. Шу ўринда мамлакатимизда ҳам ҳар томонлама билимли экологлар мутахассисларга бўлган талаб нечоғли



муҳим эканлигини билиш мумкин. Балки бу барада ҳар баримиз экология ва атроф-муҳитни асраб авайлаш, экологик маданиятни керак бўлса оиладан, мактабгача таълим муассасасидан, мактаб ва олий юқув юртларида экология ҳуқуқи дарслигини янада мукамал тарзда ўтилишини таъминлаш ҳақида ўйлаб кўриш вақти келганлиги ҳаммамизга маълум бўлиб турибди.

Ушбу жиҳатлар инobatга олиниб, **“Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Қарорнинг қабул қилингани юртимизда экологик, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали мутахассислар, олимлар, тадқиқотчилар, раҳбарлар ва тадбиркорларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш имкониятини яратмоқда.

Экология соҳасидаги изчил ислоҳотлар олиб борилаётганлигини яққол мисоли эканлигини кўрсатиб турибди.

2024-йил 26-сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида очиқликни таъминлаш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон экологик маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш, чиқиндилар билан ишлашда жамоатчилик иштирокини ошириш ва экологик назоратни кучайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Юқорида қайд этилган барча ислоҳотлар ва ташаббуслар Ўзбекистоннинг экология соҳасида олиб бораётган сиёсатининг ижобий натижалари эканлигини тасдиқлайди. Ушбу сиёсат Конституцияда белгиланган тамойилларга асосланган.

Ўзбекистон 2030 стратегияида ҳам атрофмуҳитни муҳофаза қилиш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш куйидагича кўрсатилган³:

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 11.09.2023-йилдаги ПФ-158-сон



- шаҳар ҳудудларини камида 30% ни яшил майдонлар ташкил этиш, атроф-муҳит ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, ифлосланиш даражасини прогноз қилиш;
- йилига 200 миллион тўп дарахт экиш ва республикада яшиллик даражасини ошириш;
- Экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини кенгайтириш доирасида барча ташкилотлар, таълим муассасалари ҳудудларида **“яшил боғларни”** ташкил этиш;
- Жумладан, Тошкент шаҳрида яшил майдонлар ҳудудини 5 баробарга кўпайтириб, шаҳар экотизимини яхшилаш чорларини кўриш назарда тутилган;
- Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари даражасини ошириш ва қайта ишлаш даражасини кўпайтириш;
- “Нол чиқинди” тамойили асосида маиший чиқиндиларни шаҳарлардан олиб чиқиш, қайта ишлаш ва улардан экологик тоза энергия ва бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини қамраб олган экосаноат зоналарини жорий этиш;
- Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, унинг табиий таркибини сақлаш бўйича кескин чоралар кўриш ва атмосферага чиқариб ташланаётган ифлослантувчи моддалар миқдорини 10,5 фоизга камайтириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, 2025-йилни **“Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” иқтисодиёт йили**” деб эълон қилиниши бу соҳадаги конституциявий нормалар ва тамойилларни амалга ошириш учун муҳим асос бўлади.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотлар Ўзбекистонда барқарор ривожланишни таъминлаш, фуқароларнинг саломатлиги ва фаровонлигини оширишга қаратилган. Давлат органлари,



жамоатчилик ва ҳар бир фуқаронинг бу жараёндаги фаол иштироки экологик муаммоларни самарали ҳал этишга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда экологик ҳуқуқбузарликлар бутун дунёдаги энг жиддий муаммолардан бири бўлиб, Ўзбекистон ҳам бу муаммонинг кучайишига қарши барча имкониятларини ишга солмоқда. Мамлакатимизда экологик муаммоларнинг кўпайиши нафақат инсон соғлигига, балки иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун экологик ҳуқуқбузарликларга қарши кураш нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларни ҳам қамраб олиши керак.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда қонунчилик базаси ва назорат механизмлари янада такомиллаштирилиши зарур. Ҳозирги вақтда жавобгарликлар базавий даражада бўлиб, айрим ҳолатларда жавобгар шахслар фақат маъмурий жарима билан чекланмоқда. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга етарли даражада таъсир қилмаяпти. Шу боис, жиноий жавобгарликни кучайтириш, экологик зарарни бартараф этиш ва қайта тиклашга қаратилган чораларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, экологик назорат ва мониторинг тизимларининг рақамлаштирилиши, замонавий технологиялардан кенг фойдаланилиши орқали ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тезкор чора кўриш самарадорлигини ошириш мумкин. Бундай усуллар жумладан, сунъий интеллект, спутник кузатувлари ва дронлардан фойдаланишни ўз ичига олади.

Муҳим жиҳатлардан бири жамоатчилик ва нодавлат ташкилотларнинг фаол иштироки. асосий ўрин тутади.

Экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашда фуқароларнинг хабардорлиги, экологик ҳуқуқий маданияти ва фаол иштироки энг самарали воситалардан биридир. Шу боис, таълим ва маърифий ишлар, жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали экологик соҳага алоқадорликни ошириш зарур. Оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз экологиясини асраб авайламасак унинг салбий оқибатлари ҳақида доимий равишда жамоатчиликни



хабардор қилиб бориш, керак бўлса экологик муаммолар ечими топилмаса унинг оқибати нималарга олиб келиши тўғрисида кўрсатувларни такрорий равишда ташкил этишни йўлга қўйиш лозим. Бинобарин ҳар бир мамлакатимиз фуқароси атроф-муҳитни муҳофаза қилишга маъсулдир. Бу борада нафақат давлат балки Ўзбекистон республикасининг ҳар бир фуқаросини экологик ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, уни олдини олиш каби маъсулиятни ҳис қилмоғи лозим деб ҳисоблайман.

Шу жумладан 2025-йилда экология соҳасида муҳим ҳужжатлардан бири 2030-йилгача аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш концепцияси бўлиб, Қарорнинг асосий мақсади шундаки аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш назарда тутилади.

Экологик маданиятни юксалтириш орқали аҳоли саломатлигида ижобий ўзгаришларга олиб келади.

Чиқиндиларни қайта ишлаш орқали полигонларни камайтириш, улардан тоза экологик энергия олиш ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали атроф-муҳитга етказиладиган зарар миқдори камайтиришга эришилади;

Ҳар бир вилоят кесимида экопатруллар тизимини жорий этиш муҳим деб ўйлайман чунки экологик ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ўз самарасини беради.

Иқтисодий жиҳатдан, “**яшил иқтисодиёт**” тамойилини жорий этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган инвестицияларни кўпайтириш, шунингдек, технологияларни модернизация қилиш орқали ресурсларни тежаш ва чиқинди камайтиришга эришиш мумкин. Халқаро ҳамкорлик эса технологик ва молиявий ресурсларни жалб этишда муҳим ўрин тутади.

Хулоса қилиб айтганда, экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг самарали бўлиши учун комплекс ёндашув керак: қонунчиликни такомиллаштириш, назоратни кучайтириш, жамоатчилик иштирокини ошириш, замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш ҳамда иқтисодий



механизмларни ривожлантириш. Фақат шу йўл билан Ўзбекистон атроф-муҳитини муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва келажак авлодларга соғлом муҳитни сақлаб қолиш имконига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 30.04.2023-йилда умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги конституцияси.
2. Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчиликни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги 11.07.2023-йил ЎРҚ 854
- 3 “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 30.12.2021- йилдаги ПҚ-76-сон
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 11.09.2023-йил ПФ-158-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 15.05.2025йилдаги ПҚ-184-сон.